

ШАРТНОМА

Наманган шаҳар	№0019-М	"06" январ 2022 й.
----------------	---------	--------------------

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «PROTEK MED» МЧЖ номидан иш кўрувчи **Махкамов Э.Х** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи "Янгиқургон туман тиббиёт бирлашмаси" номидан бюджет ташкилоти раҳбари **Л.Ахмедова** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Бюртмачи"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган ҳолда (тиббий воситалар)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича спецификацияда белгиланган.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 867000 (саккиз юз олти миң
етти миң) сўмни ташкил этади. **ККС сиз** амалдаги қонунчиликда кўрсатилган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Бюртмачи"га етказиб беради.

2.4. "Бюртмачи" тақдим этилган ҳужжатларга асосан қолган 70 фоиз тўловни 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Бюртмачидан талаб қилиш;

Товарларни мазкур шартномага асосан "Бюртмачи"нинг буюртманомасига мувофиқ муддатида, сифати ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар тендер асосида булиб нархларига бюджет ташкилоти жавоб беради.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Бюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Бюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди,

бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бюртмачи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита давогар жойлашган манзилдаги иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби энгиб булмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Бюртмачи» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб сўнг газначилик булинмаларидан руйхат утказилгандан кейин кучга киради ва **2022-йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинڭ барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинڭ барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»

«Бюртмачи»

«PROTEK MED» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Наманган шаҳар Орзу МФЙ,
Ижодкор кучаси, 11-уй

Тел. (95) 303-43-33

Х/р: 20208000105139292001

Банк номи: ХАБ ТРАСТБАНК

Наманган филиали

МФО: 01060 СТИР: 306594017

ОКЭД: 46900

"Янгиқургон туман тиббиёт бирлашмаси"

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Янгиқургон ш. А.Кучкаров куча 4-уй

Тел./факс: 69 632 14 49

Ш/Х: 100022860142427072130054052

МФО: 00251 ИНН: 200118029 ОКОНХ: 91511

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик
булими: Янгиқургон туман Газначилик булими

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент булими

МФО: 00014

Ғазначилик бўлини маси СТИРИ 201122919

Раҳбар:

Махкамов.Э.Х

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш)

М.У.

Раҳбар:

Л.Ахмедова

М.У.



**«PROTEK MED» МЧЖ билан “Янгикуртон туман тиббиёт бирлашмаси”
уртасида тузилган сават 2022 йилдаги №0019-М сонли шартномага 1 илова
Етказиб бериладиган махсулотларнинг микдори нархларини
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ**

ПП-3953	№	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Мик-дори	Нархи	Суммаси
№258	1	Барча турдаги дезинфекцияловчи воситалар (ЖАВЕЛ таб по 1 кг)	фл	3,00	70 000,00	210 000,00
№258	2	Барча турдаги дезинфекцияловчи воситалар (Биохлорактив 1кг)	фл	3,00	74 200,00	222 600,00
	3	Барча турдаги дезинфекцияловчи воситалар (АБКхлорактив 1кг)	фл	3,00	75 000,00	225 000,00
	4	Барча турдаги дезинфекцияловчи воситалар (Хлорактив-МАХ 1кг)	фл	3,00	69 800,00	209 400,00
ЖАМИ:						867 000,00

Саккиз юз олтимиш етти минг сўм 00 тийин

«PROTEK MED» МЧЖ	Янгикуртон туман тиббиёт бирлашмаси
Манзил - Наманган шаҳар Орзу МФЙ, Ижодкор кучаси, 11-уй	Манзил: <u>Янгикуртон 24</u>
X/P: 20208000105139292001	X/P: <u>10001186011114072130054058</u>
Банк номи ХАБ ТРАСТБАНК Наманган фил.	Банк номи: <u>Маркандуёз Банк Тошкент филиал</u>
МФО: 01060 ИНН : 306594017 ОКЭД: 46900	МФО: <u>0001</u> ИНН: <u>200118029</u> ОКОНХ: <u>81571</u>
Тел: (95) 303-43-33	Тел: <u>63-21-448</u>
Рахбар: <u>Махкамов Э. Х</u>	Рахбар: <u>Л. Акмидово</u>
М.У. <u>имзо</u> ФИШ	М.У. <u>имзо</u> ФИШ



Фармацевтика тармогини
ривожлантириш агентлиги



МУ.80V.UZ
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали

Хужжат берилган: "PROTEK MED"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 306594017

№ 3604-6453-0772-707-2078-0292-1047
Хужжат яратилган сана: 2019-11-28

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги
Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15486 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "PROTEK MED" масъулияти чекланган жамиятига дори воситалари ва тиббий
буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Орзу МФЙ, Ижодкор
кўчаси, 11- уй..

306594017

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):

Лицензия берилган сана:

21-11-2019 йил

Амал қилиш мuddати:

21-11-2024 йил

Лицензиянинг реестр буйича тартиб рақами:

14066-19

Вақонатли шахс:

С.Кариев



6276

Маълум ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари агентлиги
тўғрисидаги низога мувофиқ шайланган электрон хужжат шайланган бўлиб, унинг
Электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий ҳолати ва асосий маълумотларини таъминлаш мақсадида
паролидиз шайланган электрон хужжатнинг нобат баъзи қисмини қирғинг йри мўбид
габаритда шайланган бўлиб, унинг асосий маълумотларини таъминлаш мақсадида
сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний
хисобланади. Давлат органлари Ягона порталда шайланган электрон хужжатларнинг
ҳуқуқларини қабул қилишни рад этишлари қатъий таъқиқланган.

НАМАНГАН ШАҲАР
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ MARKAZI
ASLIGA TO'G'RI

2204967



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'kazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"PROTEK MED" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - badiirkorlik subyekti) shakli to'g'risida bo'lgan holdagi soliq nomi)

"PROTEK MED" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etilish (qayta tashkil etilish, boshqa ro'yxatdan o'kazilish ma'lumotlarini o'zgartirish)

745490

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

22.07.2019

(Sana, oy (o'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306594017

Tashkiliy-huquqiy

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

shakli:

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, Orzu MFY Ijodkor ko'chasi 11-uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

(Ro'yxatdan o'kazuvchi o'g'irning soliq nomi)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA №DT55361280**

1. Loyiha turi: Shartnoma;

2. Loyihani nomi:

№0019-Msonli dori-darmon yetkazib berish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Yangiqo'rg'on tumani TTB tomonidan 2022 yil 8 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



J.Bozorxonov

2022 yil 8 yanvar